

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил 9-сон**



89	<b>Bolalarning maktabgacha tarbiya yoshida rivojlanishi</b> Abdullayev O.Q .....	476
90	<b>Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини инновацион-педагогик фаолиятга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш</b> Амонова З.У .....	483
91	<b>Бошланғич синф ўқувчиларида атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришнинг ўзига хослиги</b> Бованова У.А .....	487
92	<b>Амалий санъатни ўқитишда “устоз-шогирд” анъаналаридан фойдаланишнинг аҳамияти</b> Восиева А.Т .....	497
93	<b>Jismoniy tarbiya jarayonida talabalarning jismoniy rivojlanishi, funksonal holati va jismoniy tayyorgarligi dinamikasi</b> Jabborov A.T. ....	502
94	<b>Желания, требования и свободный выбор школьника</b> Шаамирова Ю. К .....	507
95	<b>Применение педагогических и информационных технологий в преподавании естественных наук</b> Бердиева З. М .....	512
96	<b>Maple tizimida o'zaro kesishmaydigan aylanalarga o'tkazilgan urinmani aniqlash</b> Mirzakarimov E. M, Arziqulov Z.O .....	516
97	<b>Китобдан яхши дўст топиламас</b> Муминова Д.А .....	523
98	<b>Bo'lajak tasviriy san'at o'qituvchisining geometrik shakllarni tasvirlash ijodiy kompetensiyalarini shakllantirish (Qalamtasvir mashg'ulotlari misolida)</b> Sharipjonov M.Sh .....	529
99	<b>Бадминтончиларнинг зарба бериш сифатига таъсир этувчи омиллар самарадорлигини ўрганиш ва зарба техникасини шакллантириш</b> Муҳиддинова Ф.А .....	535
100	<b>Профессиональная компетентность педагога</b> Собирова Н.А, Джурабаева У.М .....	540
101	<b>Роль наставничества в современном образовании</b> Хайдаров С.Н .....	545
102	<b>Oliy ta'lim va ishlab chiqarish sinergetik integratsiyasini amalga oshirishda tayanch kafedralarni o'rni va ahamiyati</b> Azimova Z.E, Saydaliyev I.N .....	550
103	<b>Insoniylik va umuminsoniy qadriyatlar talqini</b> Sobirova M. Y .....	554
104	<b>Механизм совершенствования процесса развития информационно-управленческих компетенций магистрантов технических высших образовательных учреждений</b> Абдуллаева О.С .....	560
105	<b>Халқ педагогикасининг таълим-тарбиядаги аҳамияти</b> Султанова Ж. Б .....	567





### **КИТОБДАН ЯХШИ ДЎСТ ТОПИЛМАС**

Муминова Дилафруз Акбаралиевна

Наманган давлат университети бошланғич таълимда аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, PhD

Email: dilbarxon2008@mail.ru

*Аннотация:* Мазкур мақолада бошланғич синф ўқувчиларида китобга муҳаббат уйғотиш, китобхонлик кўникмаси ва бу бўйича олиб борган илмий-тадқиқот ишлари, китобхонлик, китобхонликка қизиқтириш, мутолаа, ўқиш қоидалари, нутқ, тасаввур ва дунёқарашни бойитиш, тафаккурни кенгайтириш, мантиқий фикрлаш қobiliятини ривожлантиришга, бадиий адабиётга бўлган қизиқишларини оширишга доир маълумотлар келтирилган.

*Калит сўзлар:* бошланғич синф, китоб, кўникма, малака, ўқувчилар, китобхонлик, нутқ, бадиий адабиёт, таълим, саводхонлик, шахс, мутолаа маданияти, дастур, тараққиёт, ижтимоий, ўқиш.

### **THERE IS NOT THE BEST FRIEND THAN A BOOK**

Muminova Dilafruz Akbaraliyeva

Head of the Department of Methods of Teaching Exact and Natural Sciences in Primary Education, Namangan State University, PhD

*Annotation:* This article focuses on arousing love for books in primary school students. reading skills and research work on them. reading. interest in reading. reading. reading rules. speech. imagination and worldview. broadening thinking. developing logical thinking skills. interest in fiction. information on the increase is given.

*Keywords:* elementary school. book. skill. qualification. students. reading. speech. fiction. education. literacy. personality. reading culture. program. development. social. reading.

### **НЕТ ХОРОШЕГО ДРУГА ЧЕМ КНИГА**

Муминова Дилафруз Акбаралиевна

Зав.кафедрой Методики преподавания естественно-математических дисциплин в начальной школе факультета Дошкольного и начального образования Наманганского государственного университета

*Аннотация:* Эта статья посвящена пробуждению любви к книгам у учащихся начальной школы, навыкам чтения и исследовательской работы над ними, чтению, интересу к чтению, чтению, правилам чтения, речи, воображению и мировоззрению, расширению мышления, развитию навыков логического мышления, интересу к художественной литературе. дана информация о повышении.

*Ключевые слова:* начальная школа, книга, умение, квалификация, учащиеся, чтение, речь, художественная литература, образование, грамотность, личность, культура чтения, программа, развитие, социальное, чтение.

“Айни пайтда, ахборот-коммуникация соҳасидаги охирти ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишвини оширишга, уларни китоб билан



дўст бўлишга, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Бунинг учун, аввало, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ва уларни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор беришимиз муҳим аҳамият касб этади”.

Ш.М.Мирзиёев

Бошланғич синф ўқувчиларида китоб ўқишнинг шахсни интеллектуал, психологик ва физиологик жиҳатдан ривожланишига ёрдам берувчи таъсирларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, китоб ўқиш орқали ўқувчиларнинг: нутқ ривожланади; нутқи (нутқ лугати)ни бойийди; тасавури ўсади; тафаккури ривожланади; хотираси мустаҳкамланади; ҳиссиёти (ҳиссий сифатлар, хусусан, ҳамдардлик ҳисси) тарбияланади; “ижтимоий идроки” шаклланади [178]. Айни ўринда шуни ҳам қайд этиб ўтиш керак, шахсда “ижтимоий идрок”нинг шаклланиши унда яшовчанлик қобилиятининг ривожланишини таъминлайди. Бу эса бошланғич синфларда ўқувчиларнинг китоб ўқишга иккуний ёндашишларига эришиш долзарб педагогик вазифалардан бири эканлигини тасдиқлайди. Ушбу вазифани ҳал қилиш орқали эса бошланғич таълим давридан бошлаб шахс (ўқувчилар)ни ижтимоий муносабатларга изчи, тўғри йўналтириш имконини беради.

Дастлаб “кўникма” ва “малака” тушунчалари билан ифодаланадиган ҳолат ўртасидаги фарқни аниқлаб олиш педагогик жиҳатдан тўғридир. “Кўникма, энг аввало, онгли бажариладиган ҳаракат бўлса, малака кўникманинг автоматлашиш ҳолатига етган ҳаракат, юқори даражаси” амонавий жамиятда қарор топган айрим ҳолатлар таълим соҳасининг жадал ривожлантириш йўлида тўсиқ бўлмоқда.

“Китобхонлик кўникмаси” тушунчасини эса шундай таърифлаш мумкин: китобхонлик кўникмаси – бошланғич синф ўқувчиларининг китоб ўқиш қондаларидан хабардорлиги, қизиқиши ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда китоб (бадвий асар)ни танилиши, китоб ўқишга одатланиши ва бу йўлда ҳаракатларни изчи, доимий ташкил этиши, китоб ўқишдан завқланиши, асар мазмунини тушуниши, шунингдек, китоб ўқишдан олган таассуротларини атрофдагилар билан ўртоқлашишдан иборат онгли хатти-ҳаракати, фаолияти.

Хусусан, жамият аъзоси бўлган алоҳида аҳоли қатламнинг реал даромадлари ўстанлигига қарамай, китоблар ҳамда босма ОАВга бўлган талаб паслигича қолмоқда; китоб ўқиш учун талаб қилинадиган бўш вақт таркибий тузимасининг ўзгариши унинг нуфузи пасайишига олиб келмоқда; таълим соҳасида саводхонлик ва ўқиш маданиятини ривожлантиришга нисбатан эътибор пасаймоқда: а) умумий ўрта таълимда – битта тил (масалан, рус тили ва адабиёти, ёзма матнларни билан ишлаш)ни ўқув предмети сифатида ўқитиш учун ажратилган соатларнинг қисқарганлиги; б) ўрта махсус таълимда – касбий тайёргарлик (ОТМ, кўшимча таълим, малака ошириш) даражасида китобхонлик компетенцияси, ёзма матнлар билан ишлаш маҳоратини ривожлантиришга оид тизимли дастурларнинг мавжуд эмаслиги; ахборот технологияларининг интенсив ривожланиши китоб ўқишни ифодаловчи ижтимоий-маданий муҳит доирасининг торайишига олиб келмоқда; назарий жиҳатдан таклиф этилаётган китоб ва китоб маҳсулотлари (бадвий, маълумотли, илмий-оммабоп, махсус адабиётлардан иборат маҳаллий ва таржима асарлари) сифатининг талаб даражаси эмаслиги кўтлаб ҳудудларда китоб ўқишнинг замонавий ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга тўсиқлик қилмоқда; таълим муассасалари, кутубхоналар, нашриётлар, китоб савдосида





китоб ўқишнинг нуфузини кўтарадиган, бу борадаги ҳаракатни қўллаб-қувватлайдиган ҳамда ривожлантирадиган малакали кадрларнинг етишмаслиги китобхонлар доирасини кенгайтириш йўлидаги тўсиқ бўлмоқда [179].

Энг ачинарли жиҳати юқорида қайд этилган муаммонинг ёшлар орасида китоб ўқишга бўлган қизиқишнинг пасайиши, уларнинг китобхонлик маданиятига эга эмаслигидир. Фалсафа категорияларининг моҳиятига таяниб айтиладиган бўлса, ҳар қандай оқибат (ҳолат)нинг юзга келиши ўз-ўзидан бўлмайди, балки қандай сабаблар непида юз беради. Шу нуқтан назардан олганда Ўзбекистонда ёшлар, хусусан, талаба ва ўқувчилар ўртасида китоб ўқишга бўлган салбий муносабатнинг шаклланиши, уларнинг китобхонлик малакаларига эга бўлмаслигини бир қатор сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Чунинчи: 1) бадий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш, миллий ва жаҳон адабиёти намояндalarининг етук асарларини саралаш, таржима қилиш ишлари пухта ўйланган тизим асосида ташкил қилиш, таълим ва маданият муассасалари учун китоб харид қилишга маблағлар етарли даражада мавжуд бўлган манбалар ҳисобидан жалб этиш йўлида жамият миқёсида фаолиятнинг етишмаётганлиги; 2) китоб сотишга ихтисослашган корхоналар томонидан таълим муассасалари, кутубхоналар ва маҳаллаларда янги китоблар тақдимотларини ўтказиш, мутолаа маданиятини ошириш, шу жумладан, оммавий-ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот қилишга қаратилган тадбирларнинг юксак талаблар даражасида эмаслиги [9].

Ҳар қандай тараққиёт ижтимоий ривожланишга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ахборот технологиялари жадаллик билан ривожланаётган мавжуд шароитда шахс эҳтиёжларини қондирувчи маълумотларни тарқатувчи ОАВ сон, турининг кўпайиб, улар қамраб олган кўламнинг тобора кенгайиб бораётганлиги китоб ва китобхон мавзусининг янада долзарбланиётганлигида икки жиҳатни кўриш мумкинлигини тасдиқлайди: “яқши томони, мутолаа эҳтиёжи юксалиб, шаффофлашиб бораётганлиги; хавотир тарафи оммавий китобхонлик сусайиб, бетийиқ китобларнинг расталарда кўпаяётганлиги” [174].

Аввал айтиб ўтилганидек, бадий адабиётлар турли ёшдаги кишиларга қайси ёш даврида бўлишидан қатъи назар нутқ, тасаввур ва дунёқарашни бойитиш, тафаккурни кенгайтириш, мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга, “инсоннинг маънан юксалишига, салоҳиятини бойитишга хизмат қилади” [205]. Глобал ахборотлашув шароитида ижтимоий, маънавий-ахлоқий, маданий қийматга эга бўлмаган китоб маҳсулотларининг яратилаётганлиги, бадий, ҳатто илмий адабиётларнинг юқори савия, амалий қийматга эга эмаслиги ўз навбатида шахснинг фикрлаш қобилияти, тафаккур салоҳиятига эга бўлишига эришишни ижтимоий эҳтиёжга айланишини таъминлади. Жамият аъзоларининг оғи, тафаккур ва кенг дунёқарашга эга бўлишларига эришишнинг муҳим омил сифатида китоб ўқишни, китобхонликни кенг тарғиб қилиш масаласини тобора долзарбланишига

олиб келмоқда.

М.Ю.Гудованинг ёндашувига кўра китоб ўқишни уч ҳолатга кўра, яъни: фаолият, ижтимоий институт ҳамда маданий амалиёт сифатида ўрганиш [121, 15] керак. Бизнинг фикримизча, китоб ўқиш жараён ҳамда шахс фаолиятининг муайян кўриниши, китобхонлик эса китоб ўқиш фаолиятини мақсадли, изчи ва самарали ташкил этиш



асосида ўзлаштирилгани сифат саналади. Ўз моҳиятига кўра жараён ва фаолият уни ташкилий-методик жиҳатдан тўғри, оқилона, тизимли ташкил этишни тақозо қилади. Шунга кўра бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик кўникмаларини ривожлантириш жараёни ҳам педагогик-психологик талабларга кўра мақсадли, изчил ва тизимли ташкил этилиши лозим.

Бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик кўникмаларини ривожлантириш муаммосининг умумий моҳиятини ёритишда дастлаб таянч тушунчаларни ажратиш ҳамда уларнинг мазмунидан хабардор бўлиш тадқиқий характерга эга педагогик фаолият йўналишини тўғри белгилаш, синовдан ўтказиладиган назарий ғоя ва фаразларни аниқ ифодалаш, кутиладиган натижани олдиндан тўла тасаввур этиш имкониятини таъминлайди. Шу сабабли илмий тадқиқотни олиб боришда муаммо асосини ташкил этувчи, унинг моҳиятини ёритувчи таянч тушунчаларни ажратиш олиш ва уларни педагогик нуқтан назардан ёритишга эътибор қаратилади.

Педагогика соҳасида шахс, шу жумладан, бошланғич синф ўқувчилари ҳамда китобхонлик ўртасидаги ўзаро муносабатни ёритишда “китоб”, “ўқиш”, “китоб ўқиш” (ёки “мутолаа”), “китобхонлик саводхонлиги”, “китобхонлик”, “китобхонлик фаолияти”, “китобхонлик кўникмаси”, “китобхонлик малакаси”, “китобхонлик компетентлиги” ҳамда “китобхонлик маданияти” тушунчалари таянч тушунчалар – асосий категориялар сифатида қабул қилинган. Қуйида мазкур тушунчалар негизида педагогика ва психологик йўналишларда олиб борилган илмий тадқиқотларда шахс (хусусан, бошланғич синф ўқувчилари)нинг китобга, китоб ўқишга бўлган муносабатининг мазмуни очиб берилади.

“Мутолаа” (“китоб ўқиш”) тушунчаси араб тилидан таржима қилинганда “диққат билан ўқиш”, “ўрганиш” маъноларини англатади. Назарий жиҳатдан ушбу тушунча “диққат билан ўқиш, ўқиб тушуниб олиш” [131, 655]ни англатади. Шунини унутмаслик зарурки, китоб ўқиш – бошланғич синф ўқувчилари учун машаққатли меҳнат саналади. В.А.Сухомлинскийнинг фикрича, “китоб ўқиш ақли, фикрловчи тарбиячи учун боланинг юрагига йўл топишга ёрдам берадиган сўқмоқ йўлга ўхшайди” [104, 341]. Сўқмоқ йўлдан юриш эса ҳар доим ҳам осон кечмайди. Шу сабабли бу жараённи аста-секин, бироқ, изчил ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Китоб ўқишнинг изчил олиб борилиши, давомийлиги натижасида аста-секин ўқиш маданияти ўзлаштирилади. Ўқиш маданияти “шахснинг китобхон сифатида ривожланганлик даражасини, онги, фаолияти ва мулоқотининг миқдор ҳамда сифат кўрсаткичларини ифодаловчи ҳолати” [104] демақдир.

Л.А.Мосунова мутолаани ўқувчи шахсида ўз-ўзини англаш қобилиятини ривожлантириш воситаси сифатида эътироф этган ҳолда бадий адабиётни идрок этиш мураккаб жараён бўлиб, у бир неча таркибий асосларга эга бўлишига урғу беради. Муаллифнинг эътирофи бадий адабиётни идрок этишнинг таркибий асослари қуйидагилардан иборатлигини кўрсатади: қайта тиклаш ва ижодий тафаккурларни фаоллаштириш; ўқувчиларда мотивацион заҳираларни кўпайтириш; таълим жараёнини инсонийлаштириш; ижодий фаолиятни ташкил этиш тажрибасини босқичма-босқич ривожлантириш [56, 29].

Китоб ўқиш (китоб мутолааси)да энг муҳим омил – қизиқиш саналади. Асар сюжетининг қизиқарлилиги, баён этиш усулининг содда, раволиги болаларни китобга бўлган эътиборини тортади. Шу сабабли бошланғич синф ўқувчиларини китоб ўқишга





мажбурлаш эмас, балки уларда китоб ўқишга бўлган қизиқишни шакллантириш ҳамда тизимли равишда ривожлантириб бориш зарур. Қандай омиллар бошланғич синф ўқувчиларида китоб ўқишга бўлган қизиқишни юзага келтиради?

Педагогик кузатиш, бошланғич синф ўқувчилари, шунингдек, уларнинг ота-оналари билан олиб боришган савол-жавоб, суҳбатлар натижасида болаларда китоб ўқишга бўлган қизиқиш куйидаги омиллар ёрдамида юзага келишига ишонч ҳосил қилинди: китобнинг ўзига хос шаклга эгаллиги, кўплаб тасвирлар билан бойитилганлиги, уларни безатишда ёрқин ранглاردан фойдаланилганлик, асар сюжетининг осон, раво баён этилганлиги, асар қаҳрамонларининг ҳайвонлар, ўсимликлар, гуллар, кўпирюклар, ўйинчоқлардан иборат бўлиши, шунингдек, сеҳргарлик, саргузашт ва саёҳатларга асосланганлиги, асар хотимасининг ижобий якуни. Шу билан бирга тадқиқотни олиб бориш даврида бошланғич синфларда китоб ўқишга бўлган қизиқишни ҳосил қилишда самарали бўлган педагогик фаолиятнинг ташкилий шакллари аниқлашга ҳам эътибор қаратилади.

Ушбу фикрнинг тасдиғи сифатида болалар ўртасида адабий таълимни ташкил этиш, унинг даражалари муддатини белгилашга оид куйидаги фикрлар ҳам мавжуд: “болалар боғчаси ва оилада адабий таълимнинг биринчи даражаси шаклланади [97]. Биринчи синфдаги китоб ўқиш ўқув-нутқий фаолият билан белгиланади. Ўқитувчи болаларга китоб ўқиб беришни давом эттиради.

Адабий таълимнинг иккинчи даражаси – китоб билан ишлашнинг асосий методи сифатида ўқиш-суратларни кўздан кечириш орқали бошланғич образларнинг шаклланиши билан белгиланади. Иккинчи синфдаги китоб ўқиш ўқув-билиш ва коммуниктив фаолият (муаллиф ёки ўқитувчи билан, шунингдек, ўқувчиларнинг бир-бирлари билан мулоқотлари) асосида кечади, унда ўқилганлардан олинган таассуротлар ифодаланади.

Учинчи ва тўртинчи синфларда эса эстетик китобхонлик фаолияти (ёки эстетик даража оиди) бошланади. Эстетик даража – ўқувчи баъдий асарнинг ақлий ва ҳиссий даражасини тушуниши билан боғлиқ [97].

Бизнинг фикримизча, турли ёш босқичидаги шахснинг китоб билан мулоқотини куйидаги шаклда ифодалаш тўғридир:

1) оила ва мактабгача таълим муассасаси (ижтимоий институтларнинг дастлабки бўғини)да “китобхонлик саводхонлиги” (болалар китоб ўқишнинг дастлабки, энг оддий асос (қоңда)лари билан таништирилади);

2) бошланғич таълим (1-4-синфлар)да “китобхонлик кўникмаси” (ўқувчиларда ўқитувчи, ота-она ёки волонтер билан ҳамкорликда изчи китоб ўқиш кўникмалари шаклланиб, аста-секин китобни мустақил ўқиш кўникмалари ривожланади);

3) умумий таълимнинг ўрта бўғини (5-8-синфлар)да “китобхонлик малакаси” (ўқувчиларда барча методик шартларидан хабардорлик асосида мавжуд кўникмалар китоб ўқишнинг уларни мустақил танлаш, мазмунини

таҳлил қилиш, асар мазмуни ва сюжетига муносабат билдириш, хулоса чиқаришни ифодаловчи малакаларга айланади);

4) умумий ўрта таълимнинг юқори бўғини (9-11-синфлар) ва ўрта махсус таълим муассасаларида “китобхонлик компетентлиги” (ўқувчилар ўзларининг китоб ўқиш ва китобхонлик асосларига оид билим, кўникма, малакаларни амалиётта бевосита татбиқ



эга олиш, шунингдек, мавжуд ҳаётий тажрибаларидан амалда самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлади);

5) олий таълим муассасаларида “китобхонлик маданияти” (талабалар китоб ўқиш ва китобхонлик асосларига оид билим, кўникма, малака ҳамда ҳаётий тажрибаларини амалда самарали қўллаган ҳолда муайян ютуқларни қўлга киритади, зеро, китобхонлик негизида ривожланган маънавий-ахлоқий ва эстетик дунёқарашга эга бўлиш индивидни шахс сифатида камол тоғишига ёрдам беради).

Китоблар орасида болалар учун мўлжалланган китоблар ўзига хос ўрин тутади. Бу турдаги адабиётлар ҳам бошқа турдаги китоблар каби борлиқ тўғрисидаги ахборотларни жамловчи, кишилик тараққиёти тажрибасини ўзида ҳам этувчи манбадир. Шу сабабли бошланғич синф ўқувчиларини ҳам китобга нисбатан ижобий муносабатда бўлишларига эришишда болалар адабиётларини шунчаки эрмак, ўйинчоқ деб эмас, балки уларни интеллектуал, ҳиссий, ахлоқий маданиятини шакллантиришнинг энг самарали воситаси сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, китоб ва китоб ўқиш “ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш, миллий адабиётимиз ва санъатимизни янада ривожлантириш, ёшларни миллий кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш” [188]да ўзига хос ўрин тутади.

Шундай қилиб, бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик кўникмаларини шакллантириш муаммосининг муайян жиҳатлари узоқ ва яқин хорижий давлатларда мустақил йўналиш сифатида ўрганилган. Хорижий давлатларда мазкур йўналишларда бажарилган ишлар учун тадқиқот объекти сифатида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчида китобга бўлган ҳурмат туйғусини шакллантириш, бошланғич синф ўқувчиларида ўқиш, шу жумладан, бадивий адабиётларни ўқиш малакаларини, умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчилари, олий таълим муассасаларининг талабаларида китобхонлик маданиятини ривожлантириш жараёнлари қабул қилинган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги (2017 йил 13 сентябрь) Қарори //lex.uz/docs/3338600.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини chop этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармони // <http://uza.uz/uz/documents/kitob-masulotlarini-chop-etish-va-tar-atish-tizimini-rivozh-12-01-2017>.
3. Умаров А. Жамиятда мутолаа маданиятини шакллантириш ва кутубхоначилик муаммолари // Fan, ta'lim, madaniyat va biznes sohalarida internet va kutubxona-axborot resurslaridan foydalanish: “Central Asia-2004” konf.mat. – T.: A.Navoiy nomidagi O'zbekiston milliy kutubxonasi nashriyoti, 2004. – 4-10-b.
4. Умаров А. Китоб ва китобхон: анъаналар ва янгиликлар // Соғлом авлод учун ж. – T.: 2003. - №11. – 16-20-б.





5. Умаров А. Кутубхона – ёшлар мулоқот маскани // Бетгер ўқишлари – 2008: “Кутубхона: ёшлар тилида мулоқот” мавзусидаги давра суҳбати мат.тўпла. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 9-12-б.
6. Умаров А. Кутубхона фаолияти ва мутолаа маданияти // Жамият ва бошқарув ж. – Т.: 2004. - №1. - 14-18-б.
7. Қайюмхўжаева Ё. Ўқувчиларнинг китобхоналик маданиятини шакллантириш имкониятлари. – Т.: А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти, 2007. – 12-48-б.
8. Китоб ўқимаган халқ жиддийликка маҳкум // <http://ufq.uz/2017/11/13/548>.
9. Мутолаа мўъжизаси китобхоналик маданияти – маданиятлар мағзидир // <http://betakrorbuxoro.uz/uz/2018/07/06/otvolodiev-suhbatlashdi>.
10. Қайюмхўжаева Ё. Ўқувчиларнинг китобхоналик маданиятини шакллантириш.

**BO'LAJAK TASVIRIY SAN'AT O'QITUVCHISINING GEOMETRIK SHAKLLARNI  
TASVIRLASH IJODIY KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISH (Qalamtasvir  
mashg'ulotlari misolida)**

Sharipjonov Muhiddin Shokirjon o'g'li  
Namangan davlat universiteti tayanch doktoranti  
[Tel:+99-396-96-86](tel:+99-396-96-86) email:muhiddin.sharipjonov@gmail.com

*Annотatsiya: Maqolada bo'lajak tasviriy san'at o'qituvchisini ijodiy kompetensiyasini shakllantirishda qalamtasvir mashg'ulotlarining o'rni, tasvirlar bajarishda geometrik shakllardan foydalanish usullari va metodlari haqida boradi. Shuningdek, maqolada inson bosh shaklini tasvirlashda yuz bo'laklarini bosqichli tarzda geometrik usulda tasvirlash ko'rsatilgan.*

*Tayanch so'zlar: Tasviriy san'at, qalamtasvir, kasbiy kompetensiya, geometrik usulda tasvirlash, metodik izchillik, ijodiy qobiliyat.*

**FORMATION OF CREATIVE COMPETENCIES OF THE FUTURE FINE ART TEACHER  
TO DESCRIBE GEOMETRIC SHAPES (on the example of pencil drawing lessons)**

Sharipjonov Mukhiddin Shokirjon ugli  
Doctorate of Namangan State University  
[Tel:+99-396-96-86](tel:+99-396-96-86) email:muhiddin.sharipjonov@gmail.com

*Annotation: The article deals with the role of pencil drawing in the formation of the creative competence of a future teacher of fine arts, methods and techniques of using geometric shapes in the performance of images. The article also shows a step-by-step geometric representation of facial features in the depiction of the human head.*

*Keywords: Fine arts, pencil drawing, professional competence, geometric representation, methodological consistency, creativity.*